

Чуст туманидаги «Эшон суфи бобо» масжидининг янги биносига тамал тоши қўйилди



15:32 / 26 сентябрь 188

Жорий йил Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган «Эшон суфи бобо» жомеъ масжидининг янги биноси пойдевориغا тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби Мусохон домла Аббосиддинов, уламолар, аҳли илмлар, маҳалла қавми, нуруний отахонлар иштирок этишди.

Тадбирда вилоят бош имом-хатиби барпо этилаётган янги жомеъни халқимизга, мўмин-мусулмонларга қулай ва шинам ҳолатда бўлишини, хусусан, масжид хонақоҳи кенг ва ёруғ бўлиши юзасидан кўрсатмалар берди.

Жомеъ масжид пойдевориغا тамал тошини қўйиш жараёнида устозлар ушбу масжид мўмин-мусулмонлар учун зиё ва ҳидоят тарқатувчи, ёшлар маърифати юксалишида улкан ҳисса қўшадиган даргоҳ бўлишини тилаб, мазкур хайрли ишга ҳисса қўшганлар ҳамда мутасаддилар ҳаққига дуо қилди.